

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.05/28.08.2020.Qx.13.03 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**АКАДЕМИК МАХМУД МИРЗАЕВ НОМИДАГИ БОГДОРЧИЛИК,  
УЗУМЧИЛИК ВА ВИНОЧИЛИК ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

**ҚОСИМОВ АХМАДЖОН АБДУҚОДИРОВИЧ**

**ОЛТИНСИМОН ҚОРАҒАТ НАВЛАРИНИНГ ХЎЖАЛИК-БИОЛОГИК  
ХУСУСИЯТЛАРИ ВА СИФАТЛИ КЎЧАТЛАР ЕТИШТИРИШ  
ТЕХНОЛОГИЯСИ (ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ МИСОЛИДА)**

**06.01.07 – Мевачилик ва узумчилик**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2020**

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по сельскохозяйственным наукам**

**Contents of dissertation abstract doctor of philosophy (PhD)  
in agricultural sciences**

**Қосимов Ахмаджон Абдуқодирович**

Олтинсимон қорағат навларининг хўжалик-биологик хусусиятлари ва сифатли кўчатлар етиштириш технологияси (Тошкент вилояти мисолида)..... 3

**Қосимов Ахмаджон Абдуқодирович**

Хозяйственно-биологические особенности сортов золотистой смородины и технология выращивания качественных саженцев (на примере Ташкентской области)..... 22

**Kosimov Akhmadjon Abdukodirovich**

Farm-biological features of golden currant cultivars and technology of producing its best quality seedlings (in terms of Tashkent region)..... 41

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 45

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.05/28.08.2020.Qx.13.03 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**АКАДЕМИК МАХМУД МИРЗАЕВ НОМИДАГИ БОҒДОРЧИЛИК,  
УЗУМЧИЛИК ВА ВИНОЧИЛИК ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

**ҚОСИМОВ АХМАДЖОН АБДУҚОДИРОВИЧ**

**ОЛТИНСИМОН ҚОРАҒАТ НАВЛАРИИИИГ ХЎЖАЛИК-БИОЛОГИК  
ХУСУСИЯТЛАРИ ВА СИФАТЛИ КЎЧАТЛАР ЕТИШТИРИШ  
ТЕХНОЛОГИЯСИ (ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ МИСОЛИДА)**

**06.01.07 – Мевачилик ва узумчилик**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2020**

Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.1.PhD/Qx378 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Академик Махмуд Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tdau.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Абдуллаева Хилола Равшановна**  
қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), катта илмий ходим.

**Расмий опиоментлар:**

**Султонов Комолитдин Садриддинович**  
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор.

**Арзуманов Аркадий Шагенович**  
қишлоқ хўжалик фанлари номзоди, катта илмий ходим.

**Етакчи ташкилот:**


**Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институти**


Диссертация химояси Тошкент давлат аграр университети ҳузуридаги DSc.05/28.08.2020.Qx.13.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «24» НОЯБР, соат 16<sup>30</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. Тел.: (+99871) 260-48-00; факс: (+99871) 260-38-60; e-mail: tuag-info@edu.uz; Тошкент давлат аграр университети Маъмурий биноси, 1-қават, анжуманлар зали).


Диссертация билан Тошкент давлат аграр университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (541995-рақами билан рўйхатга олинган.). (Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. Тошкент давлат аграр университети, Ахборот-ресурс маркази биноси. Тел.: (+99871) 260-50-43).

Диссертация автореферати 2020 йил «13» НОЯБР куни тарқатилди.  
(2020 йил «20» ОКТАБР даги 1/2 - рақамли реестр баённомаси).



  
**Х.Ч.Бўриев**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, б.ф.д., профессор.

  
**З.А.Абдикаюмов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, к.х.ф.ф.д., доцент.

  
**М.М.Адилов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, к/х.ф.д.



## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда резавор мевалар етиштириш ҳажми 7-8 млн. тонна бўлиб, шундан 655 минг тоннага яқинини қорағат ташкил қилади. Қорағат (*Ribes L.*) етиштириш бўйича жаҳонда Россия Федерацияси етакчилик қилиб, 395 минг тонна ҳосил олади. Польша давлати 166 минг тонна, Украина давлати 24 минг тонна, бошқа давлатларда эса жами 70 минг тонна қорағат етиштирилади<sup>1</sup>. Айрим мамлалакатларда қорағат етиштириш ҳажмининг бугунги кун талабига мос келмаслиги бу, қорағат етиштириш учун серҳосил, иссиққа, совуққа ва қурғоқчиликка чидамли истиқболли навлари етарли даражада эмаслигидир.

Жаҳонда Россия, Польша, Украина ва Европанинг бошқа мамлакатларида қорағат етиштиришнинг мақсадли йўналтирилган илмий-тадқиқот ишларининг самарадорлигини оширишга, ишлаб чиқаришда серҳосил, биокимёвий таркиби яхши, меванинг товар хусусияти юқори, универсал, истеъмол қилишга ва қайта ишлашга яроқли, паст ҳароратга, иссиққа, қурғоқчиликка, турли хил тупроқ-иқлим шароитларида ўсиш хусусиятига эга навлар устида изланишлар олиб борилмоқда. Хусусан олтинсимон қорағатнинг турли тупроқ-иқлим шароитларига мослиги, етиштириш имконияти юқорилиги бошқа қорағат турларига нисбатан 3-4 баробар кўпроқ ҳосил олиш ҳамда қаламчалардан юқори сифатли кўчат тайёрлаш имконини бермоқда.

Ўзбекистонда етиштирилаётган қорағат навлари сортиментида юқори ҳосилдор, иссиққа, совуққа, қурғоқчиликка ва замбуруғли касалликларга чидамли, интенсив, ривожланиш жараёни қисқа, меваларнинг юқори товарлиги ва универсал қайта ишлаш хусусиятларига эга навлар етарли даражада эмас. Ўзбекистонда қорағат етиштириш салмоғи паст бўлишига қарамай олтинсимон қорағат (*Ribes aureum Pursh*) турини етиштириш бўйича имконияти юқоридир. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг 3.3 бандида «Республика тупроқ-иқлим шароитларига мос, қурғоқчиликка, иссиқликка ва касалликларга чидамли қишлоқ хўжалик экинлари навларини яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш бўйича илмий-тадқиқот ишларини кенгайтириш»<sup>2</sup> муҳим стратегик вазифалардан бири сифатида алоҳида белгилаб қўйилган. Резавор экинлар сортиментини шундай навлар билан бойитиш, уларни кўпайтириш ва етиштириш технологиясини такомиллаштириш республикамиз қишлоқ хўжалиги соҳасидаги долзарб вазифа ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2018 йил 29 мартдаги ПФ-5388-сон «Ўзбекистон Республикасида мева-сабзавотчиликни жадал ривожлантиришга

<sup>1</sup> <http://www.eurasiancommission.org>; <https://www.wikiwand.com/ru/Смородина>

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони

доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2019 йил 20 мартдаги ПҚ-4246-сон «Ўзбекистонда боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги, 2019 йил 11 декабрдаги ПҚ-4549-сон «Мева-сабзавотчилик ва узумчилик тармоғини янада ривожлантириш, соҳада кўшилган қиймат занжирини яратишга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги»ги қарор ва фармонлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардаги вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқотлари муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Қорағат турлари ва навларини ўрганиш бўйича кенг кўламли тадқиқотлар Россия, Польша, Украина, Германия, Англия, Янги Зеландия, Дания, Озарбайжон, Голландия, АҚШ ва бошқа мамлакатларда К.Линней, А.Berger, А.Richard, J.Berlandier, С.Ihori, Г.Бургсдорф, Р.Э.Регель, И.В.Мичурин, Н.М.Павлова, М.Г.Абдеева, Е.И.Глебова, Л.А.Тохтарь, О.В.Панфилова, Т.В.Жидехина, Е.А.Иванова, Е.А.Гнусенкова, Л.С.Санкин, В.С.Салыкова, В.Н.Сорокопудов, Ю.В.Бурменко, А.Е.Соловьева, Ўзбекистонда С.И.Ягудина, М.М.Мирзаев, Р.М.Абдуллаев ва Д.У.Жанакова каби олимлар томонидан олиб борилган.

Юқоридаги олимлар томонидан олтинсимон қорағат тури бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб борилиб, олтинсимон қорағатнинг қурғоқчиликка, совуққа, намгарчиликка чидамли бўлган навларини яратиш, уларнинг ўсиш ва ривожланиш, экиш схемалари бўйича илмий-тадқиқот ишларини олиб борилиши натижасида олтинсимон қорағатнинг қора, қизил ва сариқ рангдаги навлари яратилган. Яратилган навлар бўйича турли усулларда экиш схемалари бўйича қаламчаларидан кўчатлар тайёрланган. Ушбу навларни лалми, суғорилмайдиган тупроқларда устириш усуллари ҳамда қаламчалардан кўчатлар тайёрлаш бўйича тавсиялар берилган.

Республикамизда бугунги кунда олтинсимон қорағатнинг мевалари бир вақтда пишадиган, мевалари йирик, ёрилиб кетмайдиган, маҳаллий ва интродукция қилинган навларини кенг ривожлантиришда уларнинг ўсиб ривожланишининг физиологик ва хўжалик-биологик хусусиятлари, юқори сифатли кўчат етиштиришнинг технологик масалалари тадбиқ этиш бўйича илмий ишлар олиб борилмоқда. Шу муносабат билан диссертация тадқиқотига кўра олтинсимон қорағатнинг фенологик фазаларини ўтиши ва тиним даврига кириш муддатларини аниқлаш, биологик хусусиятларидан келиб чиқиб навларнинг ҳосилдорлигини ва меваларнинг биокимёвий таркибини аниқлаш, навларнинг қурғоқчиликка, иссиққа ва совуққа чидамлилигини баҳолаш, олтинсимон қорағат навлари новдаларидан қаламчалар тайёрлаш муддатини аниқлаш ҳамда сифатли кўчатлар етиштириш долзарб вазифа бўлиб қолмоқда. Ушбу масалаларни ҳал этиш эса



бугунги кунда республика бўйича барпо этилаётган олтинсимон қорағат боғлари кенгайтириш ҳамда ҳосилдорлигини ошириш имконини берувчи қатор муаммоли масалаларнинг ечимига қаратилган.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти академик Махмуд Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти илмий-тадқиқот ишлари режасига киритилган КХФ-5-028 «Резавор мевали ўсимликларнинг муҳитнинг абиотик омилларига (иссиққа, қурғоқчиликка ва совуққа) чидамлилигини оширишнинг физиологик ва биокимёвий механизмларини ўрганиш ва қонуниятларини аниқлаш» (2017-2020 йй.) мавзусидаги фундаментал ҳамда ИКХ-2017-41 «Янги яратилган олтинсимон қорағат навларининг новдаларидан қаламчалар тайёрлаб кўпайтириш усулларини ишлаб чиқиб, уни ишлаб чиқаришга жорий этиш» (2017-2018 йй.) мавзусидаги инновацион лойиҳалари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** олтинсимон қорағат навларининг муҳим хўжалик-биологик хусусиятларини ўрганиш ва сифатли кўчатлар етиштириш технологиясини такомиллаштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари** қуйидагилардан иборат:

олтинсимон қорағат навларининг асосий фенологик фазаларини ўтиши ва тиним даврига кириш муддатларини аниқлаш;

олтинсимон қорағат навларининг биологик хусусиятларидан келиб чиқиб, навлар ҳосилдорлигини ҳамда меваларнинг биокимёвий таркибини аниқлаш;

олтинсимон қорағат навларининг қурғоқчиликка, иссиққа ва совуққа чидамлилигини баҳолаш;

олтинсимон қорағат навларининг новдаларидан қаламчалар тайёрлаб кўчатларини кўпайтириш усулларини аниқлаш (қаламча тайёрлаш ва экиш);

олтинсимон қорағат навларининг қаламчаларини ўсиш динамикасини аниқлаш ҳамда илдиз тизимини ўрганиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида олтинсимон қорағатнинг маҳаллий ва хорижий селекциясига мансуб 14 нав ва 12 та янги дурагайлари, шунингдек, қаламчаларни экиш усули ва экиш муддатлари олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** маҳаллий ҳамда янги интродукция қилинган олтинсимон қорағат коллекцион навларининг хўжалик-биологик хусусиятлари, ўсиши, ривожланиши, ҳосилдорлиги, пишиш муддатлари, маҳсулот сифат кўрсаткичлари, ташқи муҳитнинг абиотик омилларига чидамлилиги ҳамда янги навлар кўчатларини кўпайтириш усули ва муддати ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотни амалга оширишда биокимёвий ва физиологик лаборатория таҳлиллари, шунингдек, олтинсимон қорағат навлари ўсиб ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари «Программа и методика сортоизучения плодовых, ягодных и орехоплодных культур» (1999) услуги бўйича, биокимёвий таҳлилларни аниқлашда А.И.Ермаков (1972)

услугидан, навларнинг курғоқчиликка чидамлилигини аниқлашда Э.А.Гончарова (1988) услугидан, иссиққа чидамлилигини аниқлашда Ф.Ф.Мацков (1976) услугидан, куртақларни совуққа чидамлилигини аниқлашда М.А.Соловьёв (1988) услугидан, олтинсимон қорағат навларини кўчатлари ва бир йиллик новдаларини ўсиш динамикасини аниқлашда В.Л.Витковский (1979) услугидан, илдиз тизимини ўрганишда В.А.Колесников (1962) услугидан фойдаланилди. Тадқиқотлардан олинган маълумотларга математик ва статистик ишлов бериш Microsoft Excel дастури ёрдамида Б.А.Доспехов (1985) тавсия этган услуги бўйича амалга оширилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** куйидагилардан иборат:

илк бор Ўзбекистонда янги олтинсимон қорағат коллекциясидаги маҳаллий ва интродукция қилинган навларнинг фенологик фазаларини ўтиши ва тиним даврига кириш муддатларига қараб гуруҳларга ажратилган;

олтинсимон қорағатнинг юқори ҳосилдор ва биокимёвий таркиби бўйича юқори сифат кўрсаткичларга эга навлари аниқланган;

олтинсимон қорағат навларида муҳитнинг абиотик омилларига (курғоқчиликка, иссиққа ва совуққа) чидамлилиги аниқланган;

истикболли олтинсимон қорағат навлари кўчатларини кўпайтиришда қаламчалар тайёрлаш ва экиш муддатларини кўчат чиқишига таъсири аниқланган;

олтинсимон қорағат қаламчаларидан тайёрланган кўчатларни ўсиш динамикаси ва илдиз тизимининг ривожланиши аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** куйидагилардан иборат:

Тошкент вилояти шароитида комплекс ўрганишлар натижасида олтинсимон қорағат коллекциясида ишлаб чиқаришдаги мавжуд навларга нисбатан ҳосилдорлиги юқори, абиотик омилларга бардошлиги, товар кўрсаткичлари ва мевасининг биокимёвий таркиби билан ажралиб турувчи янги нав ва дурагайлар ажратилган;

ўрганилган маҳаллий ҳамда интродукция қилинган навлар ва дурагайлар орасидан муҳитнинг абиотик омилларига чидамли навлар ажратиб олинган;

янги истикболли олтинсимон қорағат навлари учун кўчатларини кўпайтириш технологиясига боғлиқ ҳолда мақбул экиш усуллари ва муддатлари белгиланган ва кўпайтириш технологияси ишлаб чиқилган;

қайта ишлаш саноати учун ҳамда янги навлар яратишда қўллаш учун истикболли навлар ажратилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** дала ва лаборатория тажрибалари услубий жиҳатдан тўғри олиб борилганлиги, олинган маълумотларнинг статистик таҳлилдан ўтказилганлиги, дала тажрибаларининг апробация комиссиялари томонидан ижобий баҳоланганлиги, илмий тадқиқотлар тўғрисидаги ҳисоботларнинг институт илмий кенгашларида муҳокама қилинганлиги, тадқиқотлар натижалари республика ва халқаро миқёсдаги илмий-амалий анжуманларда муҳокама қилинганлиги, шунингдек, тажрибалар натижалари Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан эътироф этилган



илмий нашрларида чоп этилганлиги ҳамда тавсиянома яратилиб ишлаб чиқаришга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти олтинсимон қорағатнинг янги коллекция навларига морфобиологик ва хўжалик нуқтаи назардан баҳо берилганлиги, улар орасидан юқори ҳосилдорлиги, абиотик омилларга (иссиққа, курғоқчиликка ва совуққа) чидамли навларнинг ажратилганлиги, олтинсимон қорағат навларининг бир йиллик ёғочланган қаламчаларидан кўчат етиштиришда мақбул экиш муддатларининг аниқланганлиги, янги истиқболли ва районлаштирилган навлар ҳамда улардан сифатли кўчат етиштиришнинг иқтисодий самарадорлиги илмий асослаб берилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олтинсимон қорағат навлари эртаги, ўртаги ва кечки гуруҳларга ажратилган ҳолда, юқори ҳосилдор, абиотик омилларга чидамли, меваларининг сифат кўрсаткичлари юқори бўлган навлари фермер хўжаликлари учун тавсия этилган, ажратилган истиқболли олтинсимон қорағат навларини кўчатларини кўпайтириш бўйича тавсиянома ишлаб чиқилган, олтинсимон қорағат кўчатларини етиштирувчи фермер хўжаликлари учун юқори сифатли кўчат олишни таъминловчи энг мақбул экиш усули ишлаб чиқилганлиги ва амалиётга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Олтинсимон қорағат навларининг хўжалик-биологик хусусиятларини ўрганиш ва сифатли кўчатлар етиштириш технологияси бўйича олиб борилган илмий тадқиқот натижалари асосида:

фермер хўжаликлари, резавор меваларни етиштиришга қизиққан мутахассислар ва шахсий томорқа ер эгалари учун «Олтинсимон қорағат навларини қаламчаларидан сифатли кўчат етиштириш» номли тавсиянома чоп этилган. (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 27 февралдаги 02/030-702-сонли маълумотномаси). Ушбу тавсиянома фермер хўжаликлари, резавор меваларни етиштиришга қизиққан мутахассислар ва шахсий томорқа майдонларида қаламчалар тайёрлаш, сақлаш, экиш муддатлари, экиш усуллари ва кўчат етиштиришдаги агротехнологияларни қўллашда қўлланма сифатида хизмат қилмоқда;

истиқболли олтинсимон қорағат навларини етиштириш ишланмаси Тошкент вилояти Паркент тумани «Кумушкон Ботирали» фермер хўжалигида олтинсимон қорағатнинг «Узбекистанская крупноплодная», «Ядгор» ва «Дўстлик» навларидан 1,0 га майдонда, Андижон вилояти Избоскан тумани «Абдуқодиржон асл мероси» фермер хўжалигида олтинсимон қорағатнинг «Сиюма», «Рухшона», «Эликсир» ва «Ирода» навларидан 0,30 га майдонда, умумий 1,30 га майдонда жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 27 февралдаги 02/030-702-сонли маълумотномаси). Натижада назорат навига нисбатан 10-15% юқори сифатли маҳсулот олинган, ҳосилдорлик бир гектар майдондан ўртача 3,8

тоннагачанни ташкил этиб, рентабеллик даражаси 58,3% гачанни ташкил этган;

«Кузда қаламчалар тайёрлаш ва экиш» ишланмаси асосида олтинсимон қорағат навларининг бир йиллик новдаларидан қаламчалар тайёрлаб (қаламчанинг узунлиги 18-25 см, диаметри 0,6 см қилиб кесиб) кўчат етиштириш бўйича Тошкент вилояти Паркент тумани «Кумушкон Ботирали» фермер хўжалигида олтинсимон қорағатнинг «Ўзбекистанская крупноплодная», «Ядгор» ва «Дўстлик» навларидан 0,10 га майдонда, Андижон вилояти Избоскан тумани «Абдуқодиржон асл мероси» фермер хўжалигида олтинсимон қорағатнинг «Сиюма», «Рухшона», «Эликсир» ва «Ирода» навларидан 0,05 га майдонда, умумий 0,15 га майдонда жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 27 февралдаги 02/030-702-сонли маълумотномаси). Бунинг натижасида ишлаб чиқаришда анъанавий экиш муддатига нисбатан кўчат чиқими ва сифати бўйича 15% га юқори натижага эришилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 8 та, шу жумладан 4 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан 7 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр қилинган ҳамда 1 та тавсиянома чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 118 бетни ташкил этади.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш қисмида** олиб борилган илмий-тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асослаб берилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари ҳамда объект ва предметлари тавсифланган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларининг устувор йўналишларига, илмий тадқиқотлар режаларига мослиги кўрсатилган, мавзунинг ўрганилганлик даражаси, илмий янгилиги, амалий натижалари ва уларнинг ишончлилиги, тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти, уларни жорий этиш тўғрисида маълумотлар, апробация ва иш натижаларининг чоп этилганлиги, диссертациянинг ҳажми ва таркиби баён этилган.

Диссертациянинг «**Олтинсимон қорағат навларининг хўжалик-биологик хусусиятлари ва кўчат етиштириш технологиясининг ўзига хос хусусиятлари (Адабиётлар шарҳи)**» деб номланган биринчи бобида олтинсимон қорағатнинг келиб чиқиши ва унинг морфо-биологик хусусиятлари, кўчат кўпайтириш усуллари бўйича маҳаллий ва хорижий тадқиқотларнинг батафсил шарҳи келтирилган. Жумладан, олтинсимон



қорағатнинг турли абиотик омилларга (иссиққа, совуққа, қурғоқчиликка) чидамлилиги, олтинсимон қорағат селекцияси янгилигида истеъмол қилиш ва саноат асосида қайта ишлашга яроқлилик нуқтаи назаридан йўналганлик тенденцияси изоҳланган, шунингдек ўсимликни етиштириш технологиясини интенсификациялаш йўналишидаги тадқиқотлар маълумотлари баён этилган.

Диссертациянинг «Тадқиқотни ўтказиш шароити, объекти, услуги» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот олиб борилган тажриба даласининг тупроқ-иқлим шароити, объекти ҳамда алоҳида тажрибаларни ўтказиш услуги батафсил ёритилган. «Тадқиқотни ўтказиш шароити, объекти, услуги» бўлимида олтинсимон қорағат навлари коллекцияси ўсимликлари билан тажрибалар олиб боришда қўлланилган фенологик кузатувлар ва биометрик ҳисоблар, лаборатория ва дала тажрибаларини ўтказиш бўйича услублар баён этилган.

Диссертациянинг «Олтинсимон қорағат навларининг муҳим хўжалик-биологик хусусиятлари ҳамда муҳитнинг абиотик омилларига (қурғоқчиликка, иссиққа, совуққа) чидамлилиги» деб номланган учинчи бобида олтинсимон қорағат навларини ривожланишининг хўжалик-биологик тавсифи келтирилган. Шунингдек 2017–2019 йилар давомида олтинсимон қорағат навларини қурғоқчиликка, иссиққа ва совуққа чидамлилиги бўйича тажрибалар олиб борилган.

Олтинсимон қорағатнинг хўжалик ва биологик хусусиятларини ўрганиш бўйича тажриба майдонида 14 та нав ва 12 та дурагайлари устида илмий-тадқиқот ишлари олиб борилди.

Олтинсимон қорағатнинг куртакларини бўртиши «Плотномьяся» назорат навида 22/II бошланган бўлса, гуллаш 21/III бошланди, пишиш 26/V бошланди, баргларнинг тўкилиши 15/XI тугаганлиги аниқланди.

Эртаги навлардан «Подарок Ариадне» навида куртакларнинг бўртиши 16/II бошланган бўлса, гуллаш 18/III, пишиш 22/V да бошланди ва баргларнинг тўкилиши 30/X да кузатилди. Дурагайлар ичида «№5-11» дурагайида куртакларнинг бўртиши 22/II да бошланди, гуллаш 21/III куни, пишиш 19/V куни бошланди ва баргларнинг тўкилиши 5/XI куни тугади. Ўртаги навлардан «Рухшона» навида куртакларнинг бўртиши 24/II да бошланиб, гуллаш 22/III да, пишиш даври 24/V да бошланган бўлса, баргларнинг тўкилиши 10/X да тугади. Кечки навлардан «Ирода» навида куртакларнинг бўртиши 23/II да бошланиб, гуллаш 22/III да, пишиш даври 29/V да бошланган бўлса, баргларнинг тўкилиши 15/X да тугади. «3760/10» дурагайида куртакларнинг бўртиши 25/II да, «3759/6» дурагайида 27/II да бошланган бўлса, гуллаш «3760/10» дурагайида 28/III да, «3759/6» дурагайида 29/III да, пишиш даври «3760/10» дурагайида 3/VI да, «3759/6» дурагайида 4/VI да бошланганлиги кузатилди. Баргларнинг тўкилиши эса «3759/10» дурагайида 18/XI да, «3759/6» дурагайида 16/XI да тугаганлиги аниқланди.

Тадқиқот натижаларига кўра 2017–2019 йилларда олтинсимон қорағат навларида ўртача маҳсулдорлик «Плотномьяся» назорат навида бир тупдан



2,199 кг олиниб, бир гектардан ўртача ҳосилдорлик 73,2 ц/га ни ташкил қилди. Навлар ичида бир тупдан 1,811 кг («Валентина») дан 2,493 кг гача («Рухшона») ҳосил олинган бўлса, 9 та навда ҳосил бир тупда ўртача 2,092–2,512 кг ўртасида кузатилди. «Алёна» (1,929 кг), «Лёвушка» (1,840 кг), «Валентина» (1,811 кг), «Подарок Ариадне» (1,958 кг), «Узбекская сладкая» (1,924 кг) каби навларда назорат навига нисбатан ҳосил камроқ эканлиги аниқланди. Олинган ҳосилни центнер гектарга айлантирилганда ҳосилдорлик 60,3 ц/га («Валентина») дан 83,6 ц/га («Узбекистанская крупноплодная») гачани ташкил этди (1-жадвал).

### 1-жадвал

#### Олтинсимон қорағат навлари ва дурагайларининг ҳосилдорлиги (экиш схемаси 3x1 м)

Навлар	Ҳосилдорлик, ц/га			
	2017 й.	2018 й.	2019 й.	Ўртача
Плотномьяся (назорат)	54,8	99,3	65,6	73,2
Рухшона	72,3	117,0	59,7	83,0
Олтиной	65,5	124,2	37,2	75,6
Подарок Ариадне	63,7	81,6	50,2	65,2
Валентина	61,9	67,2	51,8	60,3
Лёвушка	61,2	79,6	43,0	61,3
Ядгор	60,6	115,1	53,6	76,4
Ирода	57,6	109,3	58,2	75,0
Узбекистанская крупноплодная	55,5	129,5	65,9	83,6
Дўстлик	53,9	112,2	61,7	75,9
Сюома	53,4	96,5	59,1	69,7
Эликсир	53,4	109,3	68,6	77,1
Алёна	52,1	82,6	58,0	64,2
Узбекская сладкая	38,8	101,0	52,4	64,1
№15-5	69,4	100,4	56,7	75,5
3760/6	65,2	56,6	59,8	60,5
№13-27	62,3	105,6	55,2	74,4
№13-2	61,1	95,2	69,6	75,3
№5-11	58,8	89,9	47,4	65,4
3760/10	58,2	51,7	53,7	54,5
3759/6	58,0	51,9	53,3	54,4
3685/3	57,1	52,0	53,8	54,3
№13-17	57,0	84,3	50,1	63,8
№13-16	54,3	90,1	61,7	68,7
№13-7	50,7	105,1	43,2	66,3
№5-12	43,9	67,5	41,8	51,1
ЭКФ <sub>05</sub>				0,9
ЭКФ <sub>%</sub>				1,3

. Олтинсимон қорағат дурагайларида ҳосил ўртача бир тупдан 1,534 кг («№ 5-12») дан 2,262 кг гачанни («№ 13-2») ташкил этди.

Олинган ҳосилни центнер гектарга айлантирилганда эса ҳосилдорлик 51,1 ц/га («№ 5-12») дан 75,3 ц/га («№ 13-2») гачанни ташкил этди. Навлар ичида «Ирода», «Эликсир», «Дўстлик», «Рухшона» «Олтиной», «Ядгор» ва «Ўзбекистонская крупноплодная» навлари, дурагайлардан «№ 15-5», «№ 13-2» ва «№ 13-27» назоратга нисбатан ҳосилдорлиги юқорилиги билан ажралиб чиқди.

Ўрганилаётган олтинсимон қорағат навлари ва дурагайларида биологик фаол моддаларини аниқлаш мақсадида уларнинг меваларининг таркибидаги қуруқ моддаси, қанд, кислота витамин «С» ва пектин моддасининг мавжудлиги аниқланди.

Олтинсимон қорағат навларининг меваларини кимёвий таркибини таҳлил қилинганда «Плотномьясая» назорат навида қанд модда миқдори 9,05%, кислота миқдори 1,41%, қуруқ модда миқдори 14,0% ва пектин миқдори 1,70% бўлган бўлса, «Ўзбекская сладкая» навида қанд моддаси 11,91%, кислота 0,63%, қуруқ модда 18,0%, ва пектин 2,84% ни ташкил этди.


Навлар ичида «Ядгор» (15,1%), «Олтиной» (15,89%) навларида энг кўп қанд моддаси борлиги аниқланган бўлса, кислота – «Ўзбекская сладкая» навида 0,63% кузатилди (1-расм).



1-расм. Олтинсимон қорағат меваларининг кимёвий таркиби (2017–2019 йй.), %

Олтинсимон қорағат навларини ўрганишда мевалар таркибидаги «С» витаминининг миқдори навга қараб ўзгариши аниқланди. Олинган натижаларга кўра «Плотномьясая» назорат навининг мевасини таркибида «С» витамини 60,61 мг% бўлган бўлса, бошқа навларда 74,30 мг% («Ўзбекская сладкая»)дан 125,32 мг% («Ядгор») гачани ташкил этди. Резавор меваларни

кимёвий таҳлилидан олинган юқоридаги маълумотлардан хулоса қилиш мумкинки, олтинсимон қорағатнинг «Сиюма», «Алёна» ва «Ядгор» навларининг таркибида «С» витамини бўйича энг юқори эканлиги қайд этилди (2-расм) .



2-расм. Олтинсимон қорағат меваси таркибидаги витамин «С» микдори (2017–2019 йй.), %

Олтинсимон қорағатнинг қурғоқчиликка чидамлилигини ўрганиш жараёнида ҳаво ҳарорати эрталабки ва кечки пайт олинган натижаларга нисбатан кундузи олинган кўрсаткичлар юқори бўлиши, нисбий намлик эса пасайиши кузатилди.

Ўсимликнинг сувга бўлган эҳтиёжини унинг аъзоларининг сувга бўлган талабини аниқлаш орқали ўрганиш муҳимдир. Олтинсимон қорағат навларининг барг намуналари суғоришдан олдин олиниб лабораторияда таҳлиллар ўтказилди. Бунда суғоришдан олдинги тупроқдаги намлик даражасига қарамай барглардаги сув танқислигининг ўзгариши, яъни энг юқори танқислик кундузи ва энг ками эса эрталабки вақтда бўлиши аниқланди.

Ўрганилган навлар ичида июнь ойида эрталаб соат 6<sup>00</sup> да «Сиюма» назорат навида сув танқислиги 15,2% ни ташкил этган бўлса, энг паст сув танқислиги «Подарок Ариадне» навида 11,2% ни, энг юқори сув танқислиги «Рухшона» навида 16,8% ни ташкил қилди. Кундузи соат 13<sup>00</sup> га бориб ҳаво ҳарорати энг юқори даражага кўтарилганда барча навларда сув танқислиги кескин ортди. Энг юқори сув танқислиги «Сиюма» назорат навида кузатилган бўлиб 28,7% ни ташкил қилган бўлса, шу вақтда энг паст сув танқислиги «Лёвушка» навида 21,8% бўлганлиги кузатилди. Кечки пайт 18<sup>00</sup> да куннинг қайтиши ҳисобига ҳаво ҳароратининг бироз пасайиши ва ҳавонинг нисбий намлигини ортиши барглардаги сув танқислигини ҳам бироз пасайишига сабаб бўлди. Шу вақтда олинган натижаларга кўра «Сиюма» назорат навида сув танқислиги 20,8% ни ташкил қилган бўлса, энг



паст сув танқислиги «Лёвушка» навида 18,4% ни ташкил қилди. Бу вақтдаги энг юқори сув танқислиги «Рухшона» навида (20,4%) қайд этилди.

Июль ёз ойининг энг жазирама иссиқ ойи эканлиги олтинсимон қорағат навларига ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Ушбу ойда олтинсимон қорағат навларининг баргларидаги сув танқислиги таҳлил қилинганда соат 13<sup>00</sup> да барча навларда энг юқори сув танқислиги кузатилди. Бу вақтда «Сиюма» назорат навида сув танқислиги 29% бўлиб, бошқа навларга нисбатан энг юқори бўлганлиги кузатилди. Энг паст сув танқислиги «Рухшона» навида 22,2% ни ташкил этди (2-жадвал).

## 2-жадвал

### Олтинсимон қорағат навларининг баргларида сув танқислиги (суғоришдан олдинги, ўртача 2017-2019 йй.), %

Навлар	Июнь			Июль			Август		
	6 <sup>00</sup>	13 <sup>00</sup>	18 <sup>00</sup>	6 <sup>00</sup>	13 <sup>00</sup>	18 <sup>00</sup>	6 <sup>00</sup>	13 <sup>00</sup>	18 <sup>00</sup>
Сиюма (назорат)	15,2	28,7	20,8	20,3	29,0	22,8	15,2	31,9	20,7
Рухшона	16,8	26,8	20,4	13,5	22,2	19,7	12,7	28,4	21,4
Лёвушка	14,2	21,8	18,4	18,6	25,5	21,1	15,8	27,4	18,6
Подарок Ариадне	11,2	25,5	19,2	18,8	25,0	20,9	9,3	23,8	20,1
Ядгор	13,6	22,7	19,5	15,3	22,5	18,4	16,1	29,5	21,6
Валентина	14,2	23,5	19,9	23,6	28,0	21,9	15,6	28,9	23,6
Эликсир	14,9	24,2	19,9	12,7	22,7	16,7	16,3	26,0	20,8

Август ойида ҳам сув танқислиги энг юқори бўлиши соат 13<sup>00</sup> да ҳаво ҳарорати максимал даражага кўтарилганда кузатилди. Бу вақтда «Сиюма» назорат навида энг юқори сув танқислиги кузатилиб 31,96% ни ташкил қилган бўлса, «Подарок Ариадне» навида тупроқнинг намлик даражаси ва кун энг иссиқ пайтида баргларидаги сув танқислиги энг паст 23,8% бўлиши аниқланди.

Июнь ойида олинган натижаларга кўра барча навларда сув танқислигининг энг юқори кўрсаткичи соат 13<sup>00</sup> да кузатилиб, «Сиюма» назорат навида 27,4% ни, «Валентина» (23,3%) ва «Лёвушка» (24%) навларида назоратга нисбатан пастроқ, «Эликсир» навида (34,7%) назоратга нисбатан юқорироқ сув танқислиги қайд этилди.


Июль ойида сув танқислиги кундузи соат 13<sup>00</sup> да «Сиюма» назорат навида 27,5% ни ташкил этган бўлса, бу вақтда энг паст сув танқислиги Ядгор навида (20,5%) қайд этилди. Энг юқори сув танқислиги «Валентина» навида (48%) кузатилди.

Август ойида кундузи соат 13<sup>00</sup> да «Сиюма» назорат навида сув танқислиги 22,5% ни ташкил қилган бўлса, энг юқори сув танқислиги «Валентина» навида 26,2% кузатилди. Бу вақтда энг паст сув танқислиги «Лёвушка» навида 17,7% кузатилди.

Ўзбекистоннинг қурғокчилик шароитида мева-резавор экинларининг иссиққа чидамлилиқ муаммоларини ўрганиш долзарб масаладир. Ушбу муаммони ўрганиш даврида ўсимликнинг юқори ҳароратларга бўлган чидамли навларини ажратиш ва иссиққа бардошлиқ даражасини аниқлаш имкониятларига баҳо берилади.

Тадқиқот натижасига кўра, барглarning юқори ҳароратларда чидамлилиқ даражаси энг юқори бўлган ҳарорат 40°C июнь ойида бўлиб, бунда барча ўрганилган навларда шикастланиши жуда паст даражада кузатилган бўлиб, навлар ичида «Сиюма» назорат навида 7,1%, «Подарок Ариадне» навида 4,5%, «Рухшона» навида 6,3%, «Лёвушка» навида 5,5% бўлди.

Тажрибада сув ҳаммоми ҳароратини 45°C, 50°C даражага кўтарган сари барглардаги зарарланиш даражаси ҳам ортиб борди (3-расм).



3-расм. Олтинсимон қорағат навларининг иссиққа чидамлилиги (2017–2019 йй.), %

Айниқса ҳарорат 55°C даражага кўтарилганда барглардаги зарарланиш кескин ортиб кетди.

Бунда энг юқори зарарланиш «Рухшона» навида 99,2%, «Эликсир» навида 98%, «Ядгор» навида 97,7% ва «Лёвушка» навида энг паст 58,9% зарарланиши кузатилди.

Ҳарорат 60°C даражага кўтарилганда «Лёвушка» нави 96,6%, «Подарок Ариадне» навида 96,5% зарарланиб, қолган барча навлар эса 100% зарарланди. Июль ва август ойларида ҳам олтинсимон қорағат навларининг баргларини иссиққа чидамлилиги юқоридаги ойлар каби ҳарорат кўтарилган сари шикастланиш даражаси ҳам ортиб борди. Навлар ичида «Лёвушка» нави бошқа навларга нисбатан чидамли эканлиги билан ажралиб чиқди.

Олтинсимон қорағат навларининг гулкуртакларини совуққа чидамлилигини (паст ҳароратларга) баҳолаш учун 6 соат давомида –10, –15, –20, –25 ва –30°C даражада бўлган паст ҳароратларда тўғридан тўғри музлатиш учун махсус музлатгичларда сақланди. Паст ҳароратга



чидамлилигини ўрганиш учун олтинсимон қорағатнинг «Сиюма», «Эликсир», «Рухшона» ва «Ядгор» навлари танлаб олинди. Ўтказилган тажрибаларга кўра олтинсимон қорағатнинг «Эликсир» ва «Рухшона» навларида  $-25^{\circ}\text{C}$ ,  $-30^{\circ}\text{C}$  ҳароратда гулкуртакларини зарарланганлиги кузатилди. Яъни ноябрь ойида  $-30^{\circ}\text{C}$  ҳароратда 1% ва 1,1% га, декабрь ойида 1,5% ва 1,0% куртаклар зарарланганлиги қайд этилди. Январь ойида «Эликсир» навида  $-25^{\circ}\text{C}$  ҳароратда 1,8%,  $-30^{\circ}\text{C}$  ҳароратда 2,3%, «Рухшона» навида эса фақат  $-30^{\circ}\text{C}$  ҳароратда 1,7% куртакларга зарар етганлиги кузатилди. Февраль ойида куртаклар «Эликсир» навида  $-25^{\circ}\text{C}$  ҳароратда 2,5%,  $-30^{\circ}\text{C}$  ҳароратда 3,1%, «Рухшона» навида эса  $-30^{\circ}\text{C}$  ҳароратда 2,2% зарар етганлиги кузатилди. «Сиюма» ҳамда «Ядгор» навларида  $-30^{\circ}\text{C}$  ҳароратда ҳам новдаларнинг совуқдан зарарланиши кузатилмади.

Диссертациянинг «**Олтинсимон қорағат навларидан сифатли кўчатлар етиштириш технологияси**» деб номланган тўртинчи бобида турли муддатларда олтинсимон қорағат навларининг ёғочланган қаламчаларидан кўчат етиштириш, қаламчаларнинг кўкариши, ўсиш динамикаси, кўчат чиқиши каби йўналишларда илмий ишлар олиб борилди.

Ўзбекистоннинг иссиқ қурғоқчил иқлим шароитида суғориладиган ерларда олтинсимон қорағатнинг қаламчаларини тайёрлаш ва уни ўтқизиш учун энг қулай муддатни аниқлаш мақсадида изланишлар олиб борилди.

Олтинсимон қорағат навларининг оналик боғидан қорағатнинг морфологик белгилари бўйича навга ҳос бўлган туплари танлаб олиниб бир йиллик новдаларидан 5 хил вариантда қаламчалар тайёрланди:

I вариант олтинсимон қорағатнинг бир йиллик новдаларини кузда кесиб қаламчалар тайёрлаб ерга экиш;

II вариант олтинсимон қорағатнинг бир йиллик новдаларини қишда кесиб, қаламчалар тайёрлаб ерга экиш;

III вариант олтинсимон қорағатнинг бир йиллик новдаларини эрта баҳорда кесиб олиб, қаламчаларни ерга экиш.

IV вариант олтинсимон қорағатнинг бир йиллик новдаларидан кузда қаламча тайёрлаб, ерга кўмиб қўйиб, эрта баҳорда экиш (назорат);

V вариант олтинсимон қорағатнинг бир йиллик новдаларини қишда кесиб, қаламчалар тайёрлаб, ерга кўмиб қўйиб эрта баҳорда экиш.

Бир йиллик новдалардан қаламчалар тайёрлашда қаламчанинг узунлиги 18-25 см, диаметри 0,6 см қилиб кесиб олинди.

I вариантда олтинсимон қорағатнинг 7 та навида ўртача 68,9 фоиз қаламчалар кўкарган бўлиб, навлар ичида «Сиюма» (76,35%), «Узбекская сладкая» (75,45%), «Дўстлик» (77,5%), «Эликсир» (70,9%) навларининг қаламчаларида кўкариш фоизлари бошқа навларга нисбатан юқори бўлди. Ушбу вариантдаги қаламчалар назорат вариантга нисбатан 8,1 фоизга кўп кўкарганлиги аниқланди.

II вариантда қаламчаларнинг кўкариши 61,8 фоизни ташкил қилиб, навлар ичида «Сиюма» (70,45%), «Узбекская сладкая» (67,3%), «Дўстлик» (68,2%), «Эликсир» (63,65%) навлари бошқа навларга нисбатан кўпроқ



кўқарганлиги аниқланди. Ушбу вариантдаги қаламчаларнинг кўқариши назоратга нисбатан юқори бўлганлиги аниқланди.

III вариантда қаламчаларнинг кўқариши ўртача 48,3 фоизни ташкил қилиб, навлар ичида «Рухшона» (63,15%), «Эликсир» (56,6%) навлари бошқа навларга нисбатан кўпроқ кўқарганлиги аниқланди. Ушбу вариантдаги қаламчаларнинг кўқариш фоизи назорат вариантга нисбатан 12,5 фоизга кам кўқарганлиги аниқланди.

IV назорат вариантыда қаламчаларнинг кўқариши ўртача 60,8 фоизни ташкил қилиб, навлар ичида «Рухшона» (70,0%), «Дўстлик» (68,05%), «Эликсир» (67,35%) навлари бошқа навларга нисбатан юқорирок кўқарганлиги қайд этилди.

V вариантда қаламчаларнинг кўқариши ўртача 59,8 фоизни ташкил қилиб, навлар ичида «Сиюма» (76,3%), «Рухшона» (70,0%), «Дўстлик» (68,8%) навлари бошқа навларга нисбатан кўқариш фоизи юқори бўлганлиги аниқланди. Ушбу вариантда қаламчаларнинг кўқариш фоизи назорат вариантга нисбатан 1 фоизга камроқ бўлганлиги аниқланди.

IV назорат вариантыда навлар ичида «Рухшона» навининг кўчат чиқиши энг юқори 68,4 донани, энг паст кўчат чиқиши эса «Узбекистанская крупноплодная» навида 47,2 донани ташкил қилди. IV вариант бўйича умумий олинган кўчатлар сони ўртача 59,4 донани ташкил қилиб, олинган кўчатлардан 38,6 донаси I нав, 15,5 донаси II нав ва 5,3 донаси ностандарт кўчатлар эканлиги қайд этилди.

### 3-жадвал

#### Олтинсимон қорағат навларининг кўчатларини сифати бўйича тақсимланиши (2017–2018 йй.), %

Вариантлар	Экилган, сони	Кўчат чиқиши, сони	Назоратга нисбатан, %	Кўчатларнинг сифати бўйича тақсимланиши, дона		
				I нав	II нав	ностандарт
Кузда тайёрлаш ва баҳорда экиш (назорат)	100	59,4	100	38,6	15,5	5,3
Кузда тайёрлаш ва экиш	100	67,5	115,0	47,3	13,5	6,7
Қишда тайёрлаш ва экиш	100	60,0	101,7	42,0	12,0	6,0
Баҳорда тайёрлаш ва экиш	100	46,7	77,9	30,3	12,2	4,2
Қишда тайёрлаш ва баҳорда экиш	100	57,9	97,2	37,7	15,1	5,2
ЭКФ <sub>05</sub>		1,2		0,5	0,1	0,1
ЭКФ%		2,7		1,7	1,0	2,9

I вариант бўйича олинган кўчатларнинг чиқиши 100 дона қаламчадан «Сиюма» навида 75 дона, «Узбекская сладкая» навида 74,1 дона ва «Дўстлик» навида 76,1 дона кўрсаткич билан юқори натижага эришилган

бўлса, ушбу вариантда навлар орасида энг паст кўрсаткич «Узбекистанская крупноплодная» навида бўлиб, олинган кўчатлар сони 55 донани ташкил этди. I вариант бўйича умумий олинган кўчатлар сони ўртача 67,5 донани ташкил қилиб, назоратга нисбатан 8,1 дона кўп кўчат олинди (3-жадвал).

Олинган кўчатлардан 47,3 донаси I нав, 13,5 донаси II нав ва 6,7 донаси ностандарт кўчатлар эканлиги қайд этилди.

II вариант бўйича умумий олинган кўчатлар сони ўртача 60 донани ташкил қилиб, назоратга нисбатан 1 дона кўп кўчат олинди. Олинган кўчатлардан 42 донаси I нав, 12 донаси II нав ва 6 донаси ностандарт кўчатлар эканлиги қайд этилди.

III вариант бўйича умумий олинган кўчатлар сони ўртача 46,7 донани ташкил қилиб, назоратга нисбатан 12,7 дона кам кўчат олинди. Олинган кўчатлардан 30,3 донаси I нав, 12,2 донаси II нав ва 4,2 донаси ностандарт кўчатлар эканлиги қайд этилди.

V вариант бўйича умумий олинган кўчатлар ўртача 57,9 донани ташкил қилиб, назоратга нисбатан 1,5 дона кам кўчат олинди. Олинган кўчатлардан 37,7 донаси I нав, 15,1 донаси II нав ва 5,2 донаси ностандарт кўчатлар эканлиги қайд этилди.

**«Олтинсимон қорағат навларида кўчат етиштиришнинг иқтисодий самарадорлиги»** деб номланган бўлимда олтинсимон қорағат навларидан кўчат етиштириш бўйича олиб борилган тадқиқотларнинг иқтисодий самарадорлиги тахлил қилинди.

Тажриба учун қўлланилаётган вариантларнинг барчасида 70x10 см экиш схемасидан фойдаланилган бўлиб, бунда 1 га учун кетадиган қаламча сарфи 140 мингтани ташкил этди. Битта қаламчанинг сотиб олиш ва тайёрлаш нархи 200 сўмни ташкил қилиб, жами 1 га майдонга 28 млн. сўм сарфланди. Назорат вариантыда қаламчаларни эрта баҳоргача хандакларда сақлаш ҳаражати 7 млн. сўмни ташкил этган бўлса, кузда тайёрлаш ва экиш вариантыда эса ушбу ҳаражат тежаб қолинди.

Кўчат етиштириш учун иш ҳаққи ҳаражатлари назорат вариантыда 15462,8 минг сўмни ташкил қилган бўлса, кузда тайёрлаш ва экиш вариантыда бу кўрсаткич 15824,5 минг сўмни ташкил қилди. Барча вариантлардаги қаламчалар экилган майдонларини ўғитлаш учун ўғит микдори, ёқилғи сарфи, касаллик ва зараркунандалар учун кимёвий препаратларга бир хил микдорда ҳаражатлар сарфланди. Умумий ҳаражатлар назорат вариантыда 64372,3 минг сўмни ташкил қилган бўлса, кузда тайёрлаш ва экиш вариантыда 57070,2 минг сўмни ташкил қилди.

Битта кўчатнинг таннархи назорат вариантыда 850,4 сўмни ташкил қилган бўлса, кузда тайёрлаш ва экиш вариантыда бу кўрсаткич 671,4 сўмни ташкил қилди. Битта кўчатнинг ўртача реализация баҳоси эса 4000 сўм қилиб белгиланди. Тайёр стандарт кўчат чиқиши назорат вариантыда 75740 донани ташкил қилиб, ялпи даромад 302960 минг сўмни, соф фойда эса 238587,7 минг сўмни ташкил қилди. Тавсия этилаётган кузда тайёрлаш ва экиш вариантыда эса тайёр стандарт кўчат чиқиши 85120 донани ташкил қилиб,

ялпи даромад 340480 минг сўми, соф фойда эса 283409,8 минг сўми ташкил қилди (4-жадвал).

#### 4-жадвал

### 1 га майдонда олтинсимон қорағат навларидан кўчат етиштиришнинг иқтисодий самарадорлиги (2017–2018 йй.), %

Иқтисодий кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Кўчат тайёрлаш муддатлари	
		кузда тайёрлаш ва баҳорда экиш (назорат)	кузда тайёрлаш ва экиш
Қаламча тайёрлаш харажатлари (1 га қаламча 200 сўм)	минг сўм	28 000	28 000
Қаламчаларни хандақларда сақлаш харажатлари	минг сўм	7 000	-
Кўчат етиштириш учун иш ҳақи харажатлари	минг сўм	15462,8	15824,5
Ўғитлаш	минг сўм	5200,0	5200,0
Ёқилғи сарфи	минг сўм	1657,5	1657,5
Касаллик ва зараркунандаларга қарши химоя воситаси сарфи	минг сўм	1200	1200
Бошқа харажатлар (10% умумий қийматдан)	минг сўм	5852,0	5188,2
Умумий харажатлар	минг сўм	64372,3	57070,2
Битта кўчатнинг таннари	сўм	850,4	671,4
Стандарт кўчат чиқиши	дона	75740	85120
Бир кўчатнинг ўртача реализация баҳоси	сўм	4000	4000
Ялпи даромад	минг сўм	302960	340480
Соф фойда	минг сўм	238587,7	283409,8
Рентабеллик даражаси	%	370,6	496,6

Рентабеллик даражаси назорат вариантыда 370,6% ни, кузда тайёрлаш ва экиш вариантыда эса 496,6% ни ташкил қилиб, назорат вариантга нисбатан 126% юқори рентабелликка эришилди.

### ХУЛОСАЛАР

1. «Олтиной», «Подарок Ариадне», «Валентина», «Лёвушка», «Узбекская сладкая» навлари ва «№5-11» дурагайи эртаги навлар гуруҳига киради. Кечки навлар гуруҳига эса «Узбекистанская крупноплодная», «Алёна», «Ирода» навлари ҳамда «3760/6», «3760/10», «3759/6» ва «3685/3» дурагайлари киради. Қолган барча нав ва дурагайлар ўртаки навлар гуруҳига киради.

2. Олтинсимон қорағат навлари ичида юқори ҳосилдорликга (75,0-83,6 ц/га) қуйидагилар эга: «Ирода», «Олтиной», «Дўстлик», «Ядгор», «Эликсир», «Рухшона» ва «Узбекистанская крупноплодная» навлари ҳамда «№15-5»,



«№13-2» ва «№13-27» дурагайлари. Меваларининг биокимёвий таркиби юқорилиги билан «Сиюма», «Ядгор», «Дўстлик», «Олтиной», «Алёна» навлари ажралиб туради.

3. Олтинсимон қорағатнинг «Лёвушка» ва «Подарок Ариадне» навларининг барглари 40, 45, 50, 55, 60°C даражадаги иссиққа, Лёвушка ва «Рухшона» навлари эса кургоқчиликка чидамлидир.

4. Олтинсимон қорағатнинг ўрганилган барча навлари тиним даврида – 30°C гача бўлган паст ҳароратларга чидамлидир.

5. Олтинсимон қорағатнинг бир йиллик новдаларидан кузда қаламчалар тайёрлаб, шу вақтнинг ўзида экилганда назоратга нисбатан 15% кўп кўчат олинади. Навлар ичида «Плотномьяся», «Узбекистанская крупноплодная», «Сиюма», «Узбекская сладкая» ва «Дўстлик» навларидан юқори ва сифатли кўчатлар олинади.

6. Олтинсимон қорағатнинг бир йиллик новдаларидан кузда қаламчалар тайёрлаб, шу вақтнинг ўзида экилганда тайёр бўлган кўчатларнинг баландлиги ва илдиз тизими яхши ривожланади.

7. Олтинсимон қорағат навлари ва дурагайларини етиштиришда «Узбекистанская крупноплодная», «Рухшона», «Эликсир», «Ядгор», «Дўстлик», «Олтиной», «Ирода» навлари ва «№15-5», «№13-2», «№13-27» дурагайларининг иқтисодий самарадорлиги юқори бўлиб, рентабеллик даражаси 132,1 фоиздан 146,1 фоизгачани ташкил этади.

8. Олтинсимон қорағат кўчатларини етиштиришда қаламчаларни кузда тайёрлаб, шу вақтнинг ўзида экишнинг иқтисодий самарадорлиги юқори бўлиб, рентабеллик даражаси 496,6% ни ташкил этади.

9. Олтинсимон қорағат навларидан бог барпо қилувчи ва кўчат етиштирувчи хўжаликларига:

– республикамизнинг қурғоқчил, адир, тоғ ва тоғолди ҳудудларида мева сифат кўрсаткичлари ҳамда ҳосилдорлиги юқори бўлган олтинсимон қорағатнинг истиқболли: «Узбекистанская крупноплодная», «Ирода», «Олтиной», «Эликсир», «Дўстлик», «Ядгор» ва «Рухшона» навларини экиш;

– кўчат етиштириш учун олтинсимон қорағат навларининг бир йиллик новдаларидан кузда қаламчалар тайёрлаб, шу вақтнинг ўзида (1 ноябрғача) 70x10 см. схема бўйича экиш тавсия қилинади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.05/28.08.2020.Qx.13.03 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ  
АГРАРНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

---

**НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ ИНСТИТУТ САДОВОДСТВА,  
ВИНОГРАДАРСТВА И ВИНОДЕЛИЯ ИМ. АКАДЕМИКА МАХМУДА  
МИРЗАЕВА**

**КОСИМОВ АХМАДЖОН АБДУКОДИРОВИЧ**

**ХОЗЯЙСТВЕННО-БИОЛОГИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ СОРТОВ  
ЗОЛОТИСТОЙ СМОРОДИНЫ И ТЕХНОЛОГИЯ ВЫРАЩИВАНИЯ  
КАЧЕСТВЕННЫХ САЖЕНЦЕВ (НА ПРИМЕРЕ ТАШКЕНТСКОЙ  
ОБЛАСТИ)**

**06.01.07 – Плодоводство и виноградарство**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫМ НАУКАМ**

**ТАШКЕНТ – 2020**

Тема диссертации доктора философии (PhD) по сельскохозяйственным наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2019.1.PhD/Qx378.

Диссертация выполнена в Научно-исследовательском институте садоводства, виноградарства и виноделия имени академика Махмуда Мирзаева.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекском, русском и английском (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета ([www.tdau.uz](http://www.tdau.uz)) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)).

**Научный руководитель:** Абдуллаева Хилола Равшановна  
доктор философии по сельскохозяйственным наукам (PhD), старший научный сотрудник

**Официальные оппоненты:** Султанов Камолитдин Садриддинович  
доктор сельскохозяйственных наук, профессор

Арзуманов Аркадий Шагенович  
кандидат сельскохозяйственных наук, старший научный сотрудник


**Ведущая организация:** Научно-исследовательский институт лесного хозяйства


Защита диссертации состоится «24» ноября 2020 года в 1630 часов на заседании Научного совета DSc.05/28.08.2020.Qx.13.03 при Ташкентском государственном аграрном университете (Адрес: 100140, г. Ташкент, ул. Университетская, дом-2. Тел.: (+99871) 260-48-00; факс: (+99871) 260-38-60; e-mail: [tuag-info@edu.uz](mailto:tuag-info@edu.uz); Административное здание Ташкентского государственного аграрного университета, 1-этаж, зал заседаний).


С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного аграрного университета (зарегистрирована под номером 541995). (Адрес: 100140, г. Ташкент, ул. Университетская, дом-2, Ташкентский государственный аграрный университет, здание Информационно-ресурсного центра. Тел.: (+99871) 260-50-43).

Автореферат диссертации разослан «13» ноября 2020 года.  
(реестр протокола рассылки номер 1/2 от «20» октября 2020 года).



  
**Х.Ч.Бўриев**  
Председатель научного совета по присуждению учёных степеней, д.б.н., профессор.

  
**З.А.Абдукаюмов**  
Учёный секретарь научного совета по присуждению учёных степеней, д.ф.с.х.н, доцент.

  
**М.М.Адиллов**  
Председатель научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней, д.с.х.н.



## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** Производство ягод в мире составляет 7-8 млн. тонн, из них на смородину приходится 655 тыс. тонн. По производству смородины (*Ribes L.*) в мире лидирует Российская Федерация, где получают 395 тыс. тонн урожая. В Польше выращивается 166 тыс. тонн, в Украине – 24 тыс. тонн, в других же странах в общей сложности – 70 тыс. тонн смородины<sup>1</sup>. Несоответствие объёма выращивания смородины в некоторых странах сегодняшним требованиям обусловлено тем, что не хватает высокоурожайных, жаростойких, морозо- и засухоустойчивых перспективных сортов смородины.

В России, Польше, Украине и других странах Европы проводятся исследования на повышение эффективности целенаправленных научно-исследовательских работ по выращиванию смородины, получение высокоурожайных, с хорошим биохимическим составом, высокими товарными свойствами плодов, универсальных, пригодных для употребления и переработки, устойчивых к низким температурам, жаре, засухе, со способностью произрастать в разных почвенно-климатических условиях сортов. В частности, приспособленность смородины золотистой к различным почвенно-климатическим условиям, высокий потенциал возделывания позволяет получить урожай в 3-4 раза больше, чем у других видов смородины, и подготовить из черенков высококачественного саженца.

В сортименте сортов смородины, выращиваемых в Узбекистане, наблюдается нехватка высокоурожайных интенсивных сортов, устойчивых к жаре, морозам, засухе и грибным заболеваниям, с коротким периодом развития, высокой товарностью плодов и универсальными свойствами переработки. Актуальной задачей сельскохозяйственной отрасли республики является обогащение сортимента ягодных культур такими сортами, совершенствование технологии их размножения и выращивания. Несмотря на низкий удельный вес выращивания смородины в Узбекистане, его возможности по возделыванию золотистой смородины (*Ribes aureum Pursh*) высоки. В пункте 3.3 Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах отмечено, что в качестве одной из важных стратегических задач является «расширение научно-исследовательских работ по созданию и внедрению в производство сортов сельскохозяйственных культур, адаптированных к почвенно-климатическим условиям республики, устойчивых к засухе, жаре и болезням»<sup>2</sup>. Обогащение сортимента ягодных культур такими сортами, совершенствование технологии их размножения и выращивания является актуальной задачей в аграрном секторе республики.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных Указами Президента Республики

<sup>1</sup> <http://www.eurasiancommission.org>; <https://www.wikiwand.com/ru/Смородина>.

<sup>2</sup> Указ Президента Республики Узбекистан УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан».

